

## ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҲОЖИЛАР ХАЛҚИМИЗНИ ДУО ҚИЛМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий шайх Нуриддин Холиқназар билан телефон орқали мулоқот қилиб, Макка шаҳридаги ҳожиларни Қурбон ҳайити билан табриклади ҳамда уларнинг юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун дуолари ижобат бўлишини тилади.

Жорий йилда 100 нафар фуқаро давлат ҳисобидан Ҳаж сафарига юборилди. Ҳожилар муқаддас масканларда юртимиз тинчлиги учун дуо қилмоқда.



*Қурбон ҳайитингиз муборак бўлсин!*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 20 майдаги Фармонида мувофиқ, Қурбон ҳайити муносабати билан қўшимча дам олиш кунлари белгиланиб, аҳолига ушбу муборак айёмни эзгу ишлар билан ўтказиш учун қулай шароит яратилди.

Қурбон ҳайити инсонни сабр, шукр ва Аллоҳга яқинликка чорлайдиган улуғ байрамдир. Бу кунларда қилинган ҳар бир яхшилик ва хайрия катта савоб ҳисобланади.

Дам олиш кунлари қариндошлар ҳолидан хабар олиш, кексаларни зиёрат қилиш, муҳтожларга ёрдам бериш ва оила билан маънавий вақт ўтказиш учун катта имкониятдир. Бу даврда ҳар бир инсон ўз қалбини поклаш ва яхшиликни кўпайтиришга интилади. Шунингдек, ёш авлодни саховат ва инсонийлик руҳида тарбиялаш учун ҳам муҳим фурсатдир.

Шу муборак айёмда ҳар бир хонадонга тинчлик, соғлиқ, файз-барака ва қувонч тилаймиз. Қалблар эзгулик билан тўлсин, амаллар қабул бўлсин!

## МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР ЯНАДА ОБОД БЎЛМОҚДА

Қурбон ҳайитини муносиб ва кўтаринки руҳда кутиб олиш мақсадида юртимиз бўйлаб қабристонларни тозалаш, тартибга келтириш ва ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу каби хайрли тадбирлар халқимизга хос меҳр-оқибат, ҳамжихатлик ва эзгу қадриятларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан ўтказилаётган ҳашар ва ободонлаштириш ишларида маҳалла фаоллари, нурунийлар, ёшлар ҳамда ҳомийлар бир тану бир жон бўлиб иштирок этаётгани аҳоли ўртасидаги аҳиллик муҳитини янада кучайтирмоқда. Мазкур эзгу ишлар Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида ҳам уюшқоқлик билан давом этмоқда.



Хусусан, Қорабоғ ҳудудида жойлашган қабристонда Қорабоғ, Майдон, Самарчўғ, Наврўз, Гулзор ҳамда Янги ҳаёт маҳаллалари аҳолиси эрта тонгдан ҳашарга чиқиб, муқаддас масканни обод этиш ишларида фаол қатнашди. Ҳашар давомида қабристон ҳудуди бегона ўтлардан тозаланди, қабрлар оқланиб, атроф-муҳит тартибга келтирилди.

Шунингдек, дарахт ва буталар парвариш қилиниб, зиёратчилар учун озода ва файзли муҳит яратишга алоҳида эътибор қаратилди. — Янги қабристон учун бетон тў-

сиқлар, йўллар, техника ва уста хизмати каби ишлар учун Қорабоғ ва атроф маҳаллалар аҳолиси ҳамда ҳомийлар томонидан жами 74 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Бундай савобли ишлар халқимизнинг меҳр-оқибат, ҳамжихатлик ва аждодлар хотирасига бўлган юксак ҳурматининг яна бир ёрқин ифодаси бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, маҳалламиз аҳли ва ҳамшаҳарларимиз Қурбон ҳайитини муносиб кутиб олмақда.

**Нурали Нишонов,**  
Ангрен шаҳар Қорабоғ МФЙ раиси

Сўнгги ойлarda Тошкент шаҳрида содир бўлаётган ёнғинлар жамоатчилик эътиборини жиддий тортмоқда. Айниқса, савдо мажмуалари ва қурилиш объектларида кузатилаётган бундай ҳолатлар одамларни бефарқ қолдирмаяпти. Чунки бу жойларга ҳар куни минглаб инсонлар ташриф буюради. Демак, у ердаги хавфсизлик масаласи ҳар биримиз учун муҳим.

Жорий йилнинг 31 январь куни пойтахтдаги "Авиатор" савдо мажмуасида жойлашган "Корзинка" филиалида ёнғин содир бўлди. Энг ачинарлиси, ушбу фожеада 3 ёшли болани ҳаётдан олиб кетди. Бу хабар кўпчиликни ларзага солди. Орадан бир неча кун ўтиб, 11 февралда "Новза" метро бекати яқинидаги яна бир савдо объектида ҳам ёнғин юз берди. У ҳам "Корзинка" тармоғига тегишли экани айтилди.

Бир ой ўтиб, "Иза" қурилиш моллари бозори ҳудудида ёнғин чиққани ҳақида хабар тарқалди. Яхшиямки, бу сафар жабрланганлар бўлмади. Бироқ қисқа вақт ичида кетма-кет содир бўлган ёнғинлар одамларни ўйлантирмай қўймайди.

Март ва апрель ойларида ҳам бундай ҳолатлар давом этди. Янги қурилаётган "Хонсарой" тураржой мажмуасида ҳам ёнғин қайд этилди. Бу эса фақат ишлаб турган эмас, балки ҳали фойдаланишга топширилмаган объектларда ҳам хавфсизлик талабларига етарли эътибор қаратилмаётганини кўрсатади.

### Талабалар минбари

## КЕТМА-КЕТ ЁНҒИНЛАР: ЖАМОАТЧИЛИКНИ НИМА ЎЙЛАНТИРМОҚДА?

Апрель ойининг 5-куни Абу Сахий савдо мажмуасида юз берган ёнғин эса бу муаммони янада долзарб қилиб қўйди. Чунки савдо марказлари одамлар энг кўп тўпланадиган жойлардан биридир.

Менимча, юқоридаги аянчли ҳолатлар шунчаки тасодиф эмас. Балки электр тармоқларидаги носозликлар, қурилишдаги камчиликлар ёки ёнғин хавфсизлиги қоидаларига бепарволик билан қаралаётганининг белгиси бўлиши мумкин. Чунки баъзан савдо марказларига кирганимизда эвакуация чиқиш йўллари ёпиқ ёки тор ҳолатда эканини кўраемиз. Айрим жойларда эса ёнғин ўчириш воситалари қаерда жойлашганини ҳам пайқаш қийин.

Аслида, бундай объектларда сигнализация тизими, ўт ўчириш ускуналари ва вентиляция воситалари доим ишчи ҳолатда бўлиши керак. Айниқса, фавқулодда вазиятда одамларни тез ва хавфсиз олиб чиқиш жуда муҳим.

Ёз фасли яқинлашар экан, электр тармоқларига тушадиган юклама янада ортади. Бу эса ёнғин хавфини кучайтириши мумкин. Шу сабабли масъул ташкилотлар текширув ишларини кучайтириши, хавфсизлик талабларига риоя қилиниши устидан қатъий назорат ўрнатиши лозим.



Менимча, хавфсизлик масаласига фақат масъуллар эмас, оддий фуқаролар ҳам бефарқ бўлмаглиги керак. Чунки ёнғин бир инсоннинг эмас, бутун жамиятнинг муаммосига айланиши мумкин.

Нима бўлганда ҳам, сўнгги ёнғинлар барчамиз учун жиддий огоҳлантириш бўлди. Агар бугундан чора кўрилмаса, эртага кеч бўлиши мумкин.

**Олтин ОЗОДОВА,**  
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети 2-босқич талабаси



## Ёшлар ҳаёти

## АНГРЕН ЁШЛАРИ БЎШ ВАҚТИНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗМОҚДА?

Ангрен шаҳри ёшлар сони кўп бўлган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда шаҳардаги ёшлар бўш вақтини мазмунли ўтказишга ҳаракат қилмоқда. Кимдир спорт билан шуғулланса, яна кимдир китоб мутолааси ва билим олишни афзал кўради.

Яқинда шаҳар ахборот-кутубхона марказида бўлганимда бу ҳолатга яна бир бор амин бўлдим. Кузатишлар шуни кўрсатдики, шаҳардаги ушбу кутубхона ёшларнинг энг сеvimли масканларидан бирига айланиб улгурган.

Бу ерга ўқувчилар ва талабалар асосан дарс тайёрлаш, китоб ўқиш ҳамда бўш вақтини фойдали ўтказиш мақсадида келади. Кутубхонадаги сокин муҳит, қулай шароит ва китобарга бой жавонлар ёшларни ўзига жалб қилмоқда.

Кутубхона раҳбари Гулбахор Сафарованинг айтишича, сўнгги йилларда ёшларнинг китобга бўлган қизиқиши сезиларли даражада ошган. Бугун кутубхонага нафақат ўқувчи ва талабалар, балки



турли соҳа вакиллари ҳам тез-тез ташриф буюрмоқда.

Кутубхона фондида бадиий адабиётлар, илмий китоблар, тарихий асарлар ва турли жанрдаги адабиётлар жамланган. Айниқса, ёшлар орасида мотивацион ва тарихий китобларга қизиқиш юқори экани сезилмоқда.

Кутубхонада мунтазам равишда маънавий-маърифий тадбирлар, китобхонлик кечалари ва ижодий учрашувлар ташкил этилади. Бу эса ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, уларни илм-фан ва адабиётга қизиқтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда ёшларнинг кутубхонага интилиши жуда қувонарли ҳолат. Чунки китоб инсоннинг нафақат билимини оширади, балки фикрлаш доирасини кенгайтиради, мустақил мушоҳада қилишга ўргатади.

Ҳа, Ангрен ёшлари бўш вақтини фойдали ва мазмунли ўтказишга интилоқда. Бу йўлда кутубхоналар уларнинг энг яқин маънавий масканларидан бирига айланиб бормоқда.

**Динара ҲАСАНБАЕВА,**  
Бухоро давлат  
университети талабаси

## Ҳаёт манзаралари

## АЗА ВА ТҶҲ ОРАЛИҒИДА

Бир неча ҳафта аввал қўлимнинг елка суяги синиб, жарроҳ парчаларни жойига келтириб, гипс қўйганидан бери кўп вақтим уйда ётиш билан ўтмоқда эди. Шу кунларнинг бирида тонг қоронғусида қаттиқ фарёддан уйғониб кетдим – орқа дом олдида эркак-аёллар баланд овозда йўқлов айтишни бошлашган экан.

Мен тенги, қирқ ёшлар атрофидаги қўшнимиз вафот этибди. Кўнгил сўраш учун чиқдим. Дафн маросими тушдан кейин экан. Шундан сўнг, беш юз қадам наридаги иккинчи квартирамга ўтиб кетдим. Бу ерда қолишнинг иложи йўқ эди: тоғдан кўчиб келган қўшнилари жонозада жуда қаттиқ йиғлар, овоз эса тоқат қилиб бўлмас даражада эди.

Азадорлар бироз танаффус қилиши биланоқ яна кимдир кириб келар, дарҳол ўттиз-қирқ киши яна йиғини кучайтирарди. Муллалар “баланд овозда йиғламанглар” десалар ҳам, гаплари ўтмасди.

Шундай сукунатда дам олиб ётган пайтим эшик тақиллаб, кимдир кириб келди:

– Устозжон, яхши ётибсизми? Турманг, турманг!

Камина тўй тадбирларини олиб борганимда танишиб қолган хонанда йигит қўлида пакет билан кириб келди. Олиб келган нарсаларини хонтахтага қўйиб, ҳурмат билан кўришди. Жуда самимий йигит: қўлим синган пайтда мени машинасида шифохонага олиб борган, тез-тез хабар олиб турарди.

– Устозжон, сиздан бир илтимосим бор эди, – деди у эҳтиёткорлик билан. – Қўшни квартирангизда ҳеч ким йўқми? Калитини бериб тур-



сангиз, ўйинчим кийиниб, пардоз-андоз қилса. Бугун тушда тўйимиз бор эди.

– Тез бўлармикан? – дедим калитни узатиб.

– Албатта.

Улар чиқиб кетишди. Мен эса бемалол дам олиб ўтирган пайтим, ўн дақиқадан кейин хонанда яна қайтиб келди.

– Бунча тез тайёр бўлдингизлар? Тинчликми? – дедим ҳайрон бўлиб.

– У ерда аза бўляпти экан-ку, – деди у калитни қайтариб. – Киришимиз билан қаттиқ дод-фарёд бошланди. Ўйинчим кўрқиб кетди, шоша-пиша кийиниб, пардозини ҳам чала қилиб олди. Ҳар дақиқада йиғи. Нафас олиб бўлмайди. Нақ дўзахга тушгандек бўлди. Дарров чиқиб кетдик.

Орадан бироз ўтгач, хона яна сукутга чўмди. Ташқарида эса ҳаёт ўзининг ғалати зиддиятлари – бир томонда аза, бир томонда тўй билан давом этарди.

**Оллоёр ХЎЖАНДИЙ**  
Бекобод шаҳри

## Пресс-тур

## СИНФДАН СТАРТ ОЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

АНГРЕНДА ТАЪЛИМДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР АМАЛДА КЎРСАТИЛДИ

Баъзан энг катта ўзгаришлар расмий ҳисоботларда эмас, балки оддий синф хоналарида, болаларнинг савол-жавобларида, робот ҳаракатида ёки саҳнада куйлаётган ўқувчиларнинг ишончли овозида яққол сезилади. Ангрен шаҳрида ташкил этилган пресс-тур айнан шундай жонли таълим манзарасини кўрсатиб берди, яъни ислохотлар бугун назарияда эмас, амалиётда яшайганини исботлади.

Тошкент вилояти Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси ҳамда Ангрен шаҳар Мактабгача ва мактаб таълими бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур пресс-турда масъуллар, педагоглар, журналист ва блогерлар, шунингдек матбуот хизмати вакиллари иштирок этди. Тадбир давомида 2025–2026-ўқув йили мобайнида таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар, яратилган шароитлар ва эришилган натижалар Ангрен шаҳри мисолида кенг ёритилди.



## Таълим фақат дарс эмас, ҳаёт мактабидир

Пресс-тур “Янги Ангрен” маданият ва спорт мажмуасидан бошланди. Бу ерда иштирокчилар учун таълим ва тарбия жараёнининг янги модели – ўқувчиларнинг фақат билим эмас, балки ижодий ва амалий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган тизим намойиш этилди.

Шундан сўнг меҳмонлар “Мирзо Улуғбек” маҳалласида жойлашган 43-сонли, айрим фанлар чуқур ўқитиладиган умумтаълим мактабида бўлиб, ўқувчиларнинг турли йўналишлардаги фаолияти билан танишдилар. Бу ерда фан тўғрисида билан бир қаторда мусиқа, тасвирий санъат ва кўғирчоқ театри каби ижодий йўналишлар ҳам тизимли йўлга қўйилгани алоҳида эътибор тортди.

Педагоглар таъкидлашича, бугунги ёндашув фақат дарс бериш билан чекланмайди, аксинча ҳар бир ўқувчининг қизиқиши, истеъдоди ва келажак касбига йўналтирилган индивидуал ривожланишига урғу берилмоқда.

## Робототехника: синфхонадан инновацияга қадам

Пресс-турнинг кейинги манзили “Истиқлол” маҳалласидаги 12-умумтаълим мактаби бўлди. Бу ерда ташкил этилган “Робототехника” синфхонаси журналист ва блогерлар орасида катта қизиқиш уйғотди.

Ўқувчиларнинг дастурлаш, техник моделлаштириш ва робот йиғиш бўйича эришган ютуқлари тақдим этилди. Мутахассислар бу йўналиш келажак касбларига йўл очишини, болаларда мантикий фикрлаш ва инновацион ёндашувни ривожлантиришини таъкидлашди.

Шунингдек, мазкур мактабда инклюзив таълим йўлга қўйилгани ҳам эътироф этилди. Бу эса таълим жараёнида тенг имкониятлар яратиш, ҳар бир болага ўз салоҳиятини намоян этиш учун шароит бериш йўлидаги муҳим қадам сифатида баҳоланди.

## Замонавий мактаб – кенг имкониятлар майдони

Пресс-тур доирасида “Бўстон” маҳалласидаги 33-умумтаълим мактаби фаолияти ҳам кўздан кечирилди. Ушбу таълим муассасасида технология хонаси, спорт майдони ва замонавий ўқув инфратузилмаси яратилгани қайд этилди.

Мактабда инглиз тилини чуқурлаштириб ўқитиш тизими йўлга қўйилгани ўқувчиларнинг халқаро билимларга интеграциялашувига хизмат қилмоқда. Масъуллар фикрича, бугунги кунда тил билиш фақат фан эмас, балки глобал имкониятлар калитидир.

## Натижа: ислохотлар – рақамда эмас, натижада

Тадбир давомида ҳар бир мактабда эришилган ютуқлар, яратилган шароитлар ва ўқувчилар муваффақиятлари билан танишилди. Журналист ва блогерлар таълим тизимидаги ўзгаришларни бевосита жараён ичида кўриб, ислохотларнинг амалий самарасини баҳолаш имконига эга бўлдилар.

Айтиш мумкинки, Ангренда таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар нафақат инфратузилма ёки дастурлар даражасида, балки ўқувчиларнинг тафаккури, қизиқиши ва келажак режалари орқали ҳам ўз натижасини бермоқда. Бу эса таълим энг аввало келажакни қурадиган энг муҳим сармоя эканини яна бир бор тасдиқлайди.

**Гулшоода ШОХОНОВА,**  
Ангрен шаҳар ҳокими матбуот котиби

Праздники

# «СЛАВНАЯ ДЮЖИНА» ВETERАНОВ ТРУДА



Творческие встречи

## Поговорили стихами

Депутат Ангренского городского Совета народных депутатов, член Союза писателей Узбекистана, детский поэт и журналист **Неъмат Душаев** был приглашен на творческую встречу с учащимися четвертых классов средней школы № 27 махалли «Саглам».

Неъмат ака – частый гость в образовательных учреждениях города, он охотно встречается с учениками и наставниками, декламирует им свои новые стихи. Надо сказать, что стихи Н. Душаева дети из большинства городских школ давно знают наизусть.

В течение ряда лет Н. Душаев издал несколько солидных стихотворных сборников, он – талантливый детский поэт, пишет в основном для детей школьного возраста – понятно, поучительно, доступно, с чувством юмора.

Стихи его также носят ярко выраженный воспитательный характер: призывают к труду, воспевают человеческую честность, доброту, отзывчивость, порицают безделье, лень, жестокость, грубость и другие пороки.

Учащиеся-четвероклассники, воспитанники педагогов Гавхар Юсуповой и Мухайё Эшкузиёвой, с воодушевлением читали стихи автора, посвященные любимой Родине, семье, школе и просто жизни.

А после дети задавали интересующие вопросы Неъмату Душаеву: спрашивали, когда он впервые начал писать стихи, на какую тему они были, что нужно знать о законах стихосложения начинающему поэту? Вопросов хватало, и на каждый из них гость обстоятельно ответил.

– Неъмат ака, – частый гость в нашей школе. Дети с удовольствием учат наизусть его стихи, и их знают даже первоклассники, – говорит директор школы Хадича Балтабаева. – Есть среди них и те, для кого первая проба пера очень важна.

Для промышленных центров Ташкентской области – Ангрена и Алмалыка День горняка всегда был важным событием, потому что и ангрены, и алмалыкцы тесно связаны с добычей и транспортировкой полезных ископаемых.

В мае горняки и металлурги Узбекистана по традиции отмечают свой профессиональный праздник – День работника горнометаллургической промышленности. Отмечают его и коллективы автобаз, входящих в структуру горных предприятий, занятые перевозкой горной массы с шахт Ангренского Рудоуправления.

По такому случаю директор автобазы № 2 АО «АГМК» Абдумутал Топилов пригласил весь коллектив автобазы на праздничный плов и, кроме того, в торжественной обстановке вручил группе лучших работников предприятия нагрудный знак «Ветеран труда», почетные грамоты и ценные подарки.

Ветеранами труда могут считаться люди, имеющие непрерывный трудовой стаж и проработавшие на предприятии не менее чет-

верти века. Ими стали двенадцать человек – наша «славная дюжина»: машинисты автопогрузчика Учкунбай Рахматов, Аъзам Абдужаббаров, Батир Абдурахманов, Аброр Сайдазов. И водители автобуса Мавлон Абдукадиров, Хикматулло Карабаев, Элшод Хаётов, Шукурулло Ашуров, водители автомашин Зиёд Эргашев и Машкур Джамолов. Были награждены автослесарь Юлдашхон Аббасов и механик Хожиақбар Носиров. Почетных грамот за ударный труд удостоились водитель автобуса Абдухаким Абдуллаев, ценных подарков от профкома предприятия – автослесарь Фуркат Усманов и машинист погрузчика Бурхон Сайдазов.

Праздничный плов для всего коллектива автобазы готовил водитель вахтовки «Нефаз» Мирзамиддин Саттаров.

– На предприятии в настоящее время работает около 500 человек, – говорит директор А. Топилов. – Ветераны труда, например, уходят на заслуженный отдых не собираются, обучают представитель перспективной молодежи. Че-



тырехмесячный план по перевозке горной массы перевыполнен на 109,7%, производительность труда на должном уровне. Обслуживаем почти две сотни различных транспортных средств, включая спецтехнику.

В 2025 году наше автопредприятие стало обладателем двух вахтовок марки «МАН», в году нынешнем еще ожидается поступление нескольких транспортных единиц: шести автобусов, трех пассажирских вахтовок «Нефаз», трех грузовых автомашин, одного автогрейдера и одного легкового автомобиля «ИСУЗУ». С новой техникой, я уверен, мы и работать будем по-новому.

**Неъматулла УРАЗАЛИЕВ,**  
председатель цехкома  
Автобазы № 2 АО «АГМК»



Юные королевы гимнастики

## ТАНДЕМ ИСКУССТВА И СПОРТА

Художественная гимнастика – это не просто вид спорта, это тандем гармонизирующих друг с другом искусства и спорта. Художественная гимнастика не ограничивается только силой, выносливостью и ловкостью. Перед спортсменками стоит довольно непростая задача – сделать свой образ идеальным, эстетичным и, самое главное, женственным.

С 1 по 4 мая во Андижанском Дворце спорта состоялась Международные соревнования «SPRING QUEENS» по художественной гимнастике. Прибыли участницы из Казахстана, Киргизстана, Таджикистана, Республики Каракалпакстан, Российской Федерации, Турции. Честь родного Узбекистана отстаивала великолепная команда юных воспитанниц из Ангрена под руководством тренера Мавжуды Шерматовой: Умида Кадилова, Дилнора Турдалиева,

Эъзола Уткирова, Самирабону Аликулова, Малика Миннаварбекова и самая юная – Зухра Турсунбаева, которой всего семь лет. Девочки уже зарекомендовали себя как подающие большие надежды спортсменки, но главное то, что спорт для них стал смыслом жизни.

Несмотря на опытных соперниц, прибывших из сопредельных с Узбекистаном государств, юные ангреники выступали согласно своим возрастным категориям и в результате упорной борьбы сумели занять призовые места.

– В ходе соревнований было обеспечено строгое, но объективное судейство, судьи отметили спортивные качества моих воспитанниц, – говорит тренер М. Шерматова. – Девочки занимаются в Алмалыкском филиале Ташкентской специализированной школы гимнастики. Обычно этот вид спорта дети начинают осваивать с очень раннего возраста – с 3-4 лет, при отличном прилежании, трудолюбии и воле к победе к 16 годам уже становятся мастерами спорта, к 25-ти – уходят на тренерскую работу.

Школа гимнастики в Алмалыке существует всего два с половиной года, но уже известна не только за пределами Ташкентской области. А все благодаря деятельности ее директора Шухрата Рахматова, ответственного, заинтересованного человека.



Полосу подготовила Диана Андреева

Кончилар сулоласи

## АНГРЕН КОНЛАРИДА ЁЗИЛГАН МЕХНАТ ЭПОПЕЯСИ

**Турғун Ҳасанов, Лябиб Мирсаитов, Валентин Лазарев, Хўжа Алиқулов, Маҳкам Азимов, Яков Бабицкий... Ўзбекистон кўмир саноатига асос солинганида Ангрэн кўмир конларида юксак маҳорат ва жонбозлик кўрсатиб хизмат қилган бундай кончилар номини ўнлаб, юзлаб санаш мумкин.**

Турғун Ҳасанов 1921 йил 23 май куни ҳозирги Ангрэн шаҳри ҳудудидаги Жигаристон қишлоҳида туғилган. Ёшлигиданоқ оғир меҳнат шароитида улғайган қаҳрамонимиз ҳаётнинг энг қийин йўлини танлаб, ўз тақдирини ўз қишлоғи ҳудудида очилган кўмир шахтаси билан боғлади.

1942 йилда у Ангрэн кўмир ҳавзасида янги очилган 1-шахтада бурғуловчи сифатида меҳнат фаолиятини бошлади. Уруш йилларининг оғир шароитида кончилар зиммасига катта масъулият тушган бир пайтда, у ўзининг матонати ва тиришқоқлиги билан ажралиб тура бошлади.

1943 йилдан эътиборан у 8-шахтада, кейинчалик 9-шахтада узоқ йиллар давомида фаолият юритди ва 1986 йилга қадар кончилик соҳасида меҳнат қилди. Унинг фаолияти фақат қазиб олиш билан чекланиб қолмай, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва жамоадаги касбий маданиятни юксалтиришга ҳам қаратилган эди.

1966 йилда Турғун Ҳасанов "Социалистик меҳнат қаҳрамони" унвонига сазовор бўлди. Шу би-



лан бирга у "Ўроқ ва Болға" олтин медали ҳамда Ленин ордени билан тақдирланди. Бу эътироф унинг шахсий меҳнати билан бир қаторда бутун кончилар жамоасининг улкан меҳнатини ҳам ифодаларди.

Турғун Ҳасанов нафақат етук кончи, балки кончилик сулоласининг асосчиси сифатида ҳам тарихда қолди. Унинг оиласи — "Ҳасановлар сулоласи" Ангрэн кончилиги тарихида алоҳида ўрин тутди.

Унинг катта ўғли Мамашариф Ҳасанов (1956–2016) 9-шахтада ишчи ва тоғ-кон устаси сифатида меҳнат қилиб, кейинчалик касабаси уюшма кўмитаси раиси, шунингдек Ангрэн шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимига кўтарилган. Кенжа ўғли Муҳаммадҷон Ҳасанов эса 1983–2013 йиллар давомида 9-шахтада ишчи ва тоғ-кон устаси сифатида фидокорона меҳнат қилиб, пенсияга чиққан.

Ҳасановлар сулоласининг аънаси бугун ҳам давом этмоқда. Набиралари Шерзод Турғунов "Ангрэн кўмир кони" филиалида бош муҳандис, Бехзод Турғунов эса портлатувчи мутахассис сифатида ишлаб, оилавий касб аънарасини давом эттирмоқда. Шу тариқа Ҳасановлар сулоласи Ангрэн кўмир кони тарихида меҳнатга садоқат рамзи сифатида шаклланган.

Т. Ҳасанов 2003 йил 23 июнда 82 ёшида вафот этди. Аммо унинг ҳаёти, меҳнати ва ортидан қолган Ҳасановлар сулоласи Ангрэн кўмир кони тарихида ҳалол меҳнат, садоқат ва авлодлар давомийлигининг ёрқин намунаси бўлиб қолди.

**Барчиной МИРЗАЛИЕВА**

**Суратда:** Турғун Ҳасанов кенжа ўғли Муҳаммадҷон ва набираси Дилшод билан, 1984 йил.

Қутлаймиз!

### ТУТ ҚИШЛОҒИ РАИСЛАРИ ДАВОМЧИСИ

Оҳангароннинг қадимий ва меҳнаткаш қишлоқларидан бири — Тут маҳалласида ўтган асрларда маҳалла раиси деган алоҳида лавозим бўлмаган. Тарихга назар ташласак, XX асрнинг йигирманчи йилларигача бу ҳудудда жамоа хўжалиги ҳам шаклланмаган эди.

Қорахитойлик машҳур мухбир Тожи ота Хушназаровнинг 1970 йилларда ёзилган "Оҳангарон бўйларида" номли мақоласида Қорахитой ва атроф қишлоқларда ташкил этилган дастлабки Қўшчи союзи ҳақида сўз юритилади. Унда 1922 йилда мазкур уюшмага Парда Худойқулов ва Умар исмли фидойи инсонлар раҳбарлик қилгани қайд этилган.

Кейинчалик Эгамберди Имомназаров, Алибек Қўшоқов, Майрам Ҳайитқулова, Майрам Қурдошева, Фахриддин Фуломов, Умар Умирзоқов, Олтиной Тўғизбоева, Жалол Файзиев, Самат Оллобердиев, Салом Телабоев, Исакул Султонов, Фани Султонов, Улугбек Иброҳимов, Умриниса Арслонова, Шунқор Умирзоқов каби инсонлар Тутдаги халқ хўжалиги ва совет идораларида раҳбар сифатида фаолият юритишган.

Тут маҳалла фуқаролар йиғини эса 1990-йилларда ташкил этилди. Бу масъулиятли лавозимда Қаюм Мирзаев, Раҳмон Ҳасанов, Тоҳир Тошпўлатов, Нуриддин Аллабердиев каби жонқур инсонлар хизмат қилиб ўтдилар.

Бугунги кунда эса ана шу аънаналарнинг муносиб давомчиси сифатида Ҳусниёр Йўлдошев фаолият олиб бормоқда. Унинг қишлоқ аҳли, маҳалла тараққиёти йўлида амалга ошираётган ташкилий ва ҳуқуқий ишлари кўпчиликлари яхши маълум. Бу эзгу ишлар халқ билан ҳамжиҳатликда, раҳбарлар кўмагида ва Ҳусниёр Саломовичнинг бевосита жонқурлиги билан амалга оширилмоқда. Маҳалла ҳаётидаги янгиликлар ҳақида телеграм каналлари ва оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам хабарлар бериб борилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Тут қишлоғи халқ сардорларининг муносиб давомчиси бўлган Ҳусниёр Йўлдошевни таваллуд куни билан самимий муборакбод этамиз ва унга кетмас соғлиқ, оилавий бахт, халқ хизматида улкан зафарлар тилаймиз.

**Фазлиддин ПАРДАЕВ,**  
Оҳангарон тумани


Таълим ва тараққиёт

## ТАРИХНИ ЁДЛАШ ЭМАС, АНГЛАШ ДАВРИ КЕЛДИ

**Бугунги кунда таълим соҳасида замон билан ҳамқадам юриш, дарс жараёнларига янги ёндашув ва инновацион методларни жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, тарих фанини ўқитишда талабаларнинг нафақат маълумотни ёд олиши, балки уни англаши, таҳлил қилиши ва мустақил фикр юритиши долзарб вазифага айланди.**

Мен, талаба сифатида илмий изланиш олиб бораётган педагоглар фаолиятини кузатиб, уларнинг дарс ўтиш услублари, илмий қарашлари ва янги ёндашувларини ўрганишга ҳаракат қилдим. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояларида иштирок этиш жараёнида замонавий таълим тизимида қўлланилаётган илғор методикалар ҳақида кўплаб фикр ва тажрибаларга гувоҳ бўлдим.

Айниқса, педагог-олима Маҳфуза Ҳусеновнинг "Тарих фанларини ўқитишда мнемоник технологиялар асосида хотирани ривожлантириш методикаси" мавзусидаги илмий ёндашуви менда катта таассурот қолдирди. Чунки бу методика тарих каби кўп маълумот, сана ва воқеаларни ўз ичига олган фанни осон ва қизиқарли тарзда ўрганиш



имконини беради.

Мнемоника — бу инсон хотирасини фаоллаштиришга хизмат қилувчи махсус усуллар тизими бўлиб, маълумотларни образлар, рамзлар, қисқартмалар ва мантиқий боғланишлар орқали тез ва узоқ муддатга эслаб қолишга ёрдам беради. Оддий қилиб айтганда, мураккаб маълумотни мия учун "қулай шакл"га келтиришдир.

Тарих фанида эса бундай усуллар айниқса муҳим. Чунки ҳар бир давр, сулола, тарихий шахс ёки сиёсий жараённи изчил эслаб қолиш кўпчилик талабалар учун қийин кечади. Аънавий дарсларда

маълумот кўп, аммо унинг таъсирчанлиги камроқ бўлиши мумкин. Мнемоник технологиялар эса дарсга жон киритади — тарихни қуруқ матн эмас, балки образлар ва мантиқий занжирлар орқали англашга ёрдам беради.

Маҳфуза Ҳусеновнинг илмий-амалий тадқиқотлари асосида ўтказилган тажриба-синов ишлари ҳам бу усулнинг самарасини кўрсатди. Мнемоник технологиялар қўлланган гуруҳларда талабалар нафақат тарихий саналарни тез эслаб қолган, балки воқеалар ўртасидаги боғлиқликни ҳам яхшироқ тушунган. Улар мустақил фикр билдириш, тақдимот қилиш ва баҳс-мунозараларда фаол иштирок эта бошлаган.

Энг муҳими, бундай усуллар талабани фақат тингловчи эмас, балки изланувчига айлантиради. Дарс жараёни қизиқарли ва интерактив тус олади. Бу эса таълим сифатига бевосита ижобий таъсир кўрсатади.

Бугунги глобаллашув даврида таълимда янгича фикрлаш ва инновацион ёндашувлар муҳим аҳамият касб этаётган бир пайтда тарих фанини ўқитишда мнемоник технологиялардан фойдаланиш замон талаби десак муболаға бўлмайди. Зеро, тарихни англаган авлодгина келажакни тўғри қуриши мумкин.

Менушбумақолани ёзиш орқали ўрганганларимни жамоатчилик билан бўлишини мақсад қилдим. Агар мақоладаги фикрлар кимгадир янги ғоя, янги методика ёки янги қараш беришга хизмат қилса, бу мен учун катта мамнуният бўлади.

**Иброҳим ЭРГАШЕВ,**  
Чирчиқ давлат педагогика университети

# Сиз топа оласизми?

Жоним оғримасин десангиз жонингизни  
оғритинг. Жон Милтон

	Йирик ҳудудий бирлик;						Арпа экилган ер																	
	Ўринсиз, номуносиб		Ўн биринчи ой		Ёшени ... ошини ошаган		РФ пул бирлиги	Хотин-қизлар исми	Италия пойтахти		Тортишув, ...-бади		...монополия, ...радар	Ёмоннинг кучи ... етар										
					Сув жонивори		Шарҳ, comment		Босма-хона															
	Гельминг		Тоға (шевада)					Кўзини ... босмоқ	Дир-... титрамоқ									Мис + қалай						
				Абадул... мангу		Илмли, ўқимишли						Зеб, безак												
	Эркаклар исми			5		Илгари томонга					Шикаст, ... ёйиш	Польша валютаси		...-ишора										
"Унда пул ... ётибди"	Ҳудудий минтақа	Бадани ... этмоқ		Ипак курти уйкуси				Аччиқ-... сўзлар айтмоқ																
					<p><b>ЛАТИФАЛАР</b></p> <p>Бир кун подшоҳ хизматкорларини чақириб дебди:</p> <p>– Сизларга бир кун муҳлат. Агар эртага гапирадиган кушни топиб келинглар. Йўқ-са, ҳаммангизни жазолайман! Хизматкорлари нима қилишини билмай афандига мурожат қилишибди.</p> <p>– Асло қайғурманглар. Менда чора бор, – дебди афанди ва эртаси кунига шоҳ саройига катта қора қарға билан кириб келибди.</p> <p>Шоҳ қарғага қараб:</p> <p>– Манави одам карми? – деб хизматкорларидан бирини кўрсатибди. Шунда қарға "Каррр" деб сайраб юборибди.</p> <p>***</p> <p>Ярим кечада учта маст киши темир йўлдан кетишаркан, бири деди:</p> <p>– Бу зинапоя жуда баланд эканми-а? – Ушлаб чиқишга тутқичлари ҳам паст экан, – деди иккинчиси.</p> <p>Учинчиси энгил тин олиб:</p> <p>– Ҳечқиси йўқ, ана лифт келяпти, – дермиш.</p>					Ўрқачсиз кичик туя														
Ҳазил, ҳажв	Юзта олтлиқ бошлиғи		"Қам бўлма, ... топ!"															Оқиш, оқчил				Зийнат буюми, зирак		
Она замин, ... юзи																Бо...тоғ, бо...калон			Ўз ...га ўзи қовурилмоқ					1
			Хонанда																					
... Байден, президент											Кўлам, масштаб													
		Сифатсиз товар						2		Майдачуйдалар, ...луш	Шахматдаги ҳолат (русчада)	Кўз ёши												
Бернард ... (1856-1950)				Шакар + об		Танқис, сийрак	Чоп қилувчи	Кенг устки кийим				Тушунча, ўй, ...		... Алишер Навоий										
		Аму, Сир бу- ...		Абадий, умрбод						Эълон, анонс														
Тошкент давлат ... университети	Хи-хи-...				Энг аввал, -дан ...	4	Ғамлаб қўйилган нарса											Мум аралаш асал						
	ТВ ва ... да эфир	Ёрдам, кумак		Ер ҳайдаш асбоби							Католик монастыри бошлиғи		... этувчи ҳоқимият		Ярим доиралӣ меъморий конструкция									
				Адабий асарлар ёзувчиси	...грамм, ...метр			Толе, ютуқ	Эсинг ... этагинг-ни ёп															
	... Барно (1800-1905)		Микро (акси)						Мурожаат (эй)			Кўзгу		Электр қаршилик бирлиги										
							Олтинчи нота					...-н-ролл (музыка)												
	Денгиз қисқичбақаси		Қишнинг қаттиқ совуқ кунлари						Текс	Салла (бадий)		3												
				Анчадан буён, ... бери							1	2	3	4	5									

Ижтимоий тармоқларда

## AI КОНТЕНТЛАР НЕГА ИНСОННИ ФИКРЛАШДАН УЗОҚЛАШТИРМОҚДА?

Кундан-кунга ижтимоий тармоқлардаги бир неча сониялик видеолар инсон онгини эгаллаб бормоқда. Айниқса, сунъий интеллект ёрдамида яратилаётган қисқа "инста-сериаллар" тобора оммалашаётгани замонавий медиа маконининг янги ҳодисасига айланди. Бир қарашда оддий кўринган бу видеолар миллионлаб кўришмоқда, минглаб обуначиларни ўзига жалб қилиб, интернет аудиториясининг катта қисмини эгаллаб бормоқда. Аммо масаланинг энг муҳим томони бу контентлар инсон тафаккури, диди ва маънавий қарашларига қандай таъсир кўрсатмоқда?

Аввалига AI орқали яратилган кўпчилик расмлар ёки ноодатий видеолар интернет фойдаланувчилари учун шунчаки қизиқарли тажриба эди. Орадан кўп ўтмай эса бу технология бутун бошли "мини-сериаллар" яратадиган воситага айланди. Бугун тармоқларда хиёнат, ўғрилиқ, сотқинлик, бойлик талашуви каби сунъий драматизмга қурилган видеолар кетма-кетлиги жуда тез тарқалмоқда.

Энг қизиғи, бундай видеоларнинг аксарияти мантиқан саёз бўлса-да, одамлар уларни катта қизиқиш билан кузатмоқда. "Давоми қачон чиқади?", "Буни телевизорга қўйиш керак!", "Кейинги қисми кутяпмиз" каби изоҳлар остида кўришмоқда. Бу эса нафақат контент яратувчиларининг, балки томошабин дидининг ҳам ўзгариб бораётганини кўрсатади.

AI мутахассислари эса айнан



шу оддий формуладан фойдаланиб катта аудитория тўпламоқда. Чунки алгоритмлар инсоннинг қизиқиш, ҳайрат, ғазаб ёки ачиниш туйғуларига босим ўтказадиган сюжетларни тез илғаб олади. Натижада контент сифат эмас, реакцияга хизмат қила бошлайди.

Аслида сунъий интеллектнинг ривожланиши салбий ҳодиса эмас. Аксинча, AI анимация, дизайн ва медиа соҳасига янги имкониятлар олиб кирмоқда. Илгари катта студиялар ва кўп маблағ талаб қилган ишларни эндиликда оддий фойдаланувчи ҳам амалга ошира оляпти. Бу ижодқорлик учун катта имконият. Аммо муаммо технологиянинг ўзида эмас, ундан қандай фойдаланишдадир.

Бугунги AI контентларининг катта қисми инсон тафаккурини бойитиш эмас, уни энг содда ҳиссиётлар билан ушлаб туришга қаратилган. Бир хил сюжет, бир хил конфликт

ва деярли бир хил якунлар такрорланаверади.

Масалан, хиёнат қилган рафиқа, кўролмас қўшни ёки яқин инсоннинг сотқинлиги - барчаси сунъий драматизм асосида қурилган воқеалар. Уларда ҳаётини мантиқ ҳам, тарбиявий хулоса ҳам мавжуд эмас...

Ҳар қандай медиа маҳсулот аудитория талабига қараб шаклланади. Агар саёз контент миллионлаб кўрилаётган бўлса, албатта, шунга ўхшаш видеолар яна ва яна яратилади. Чунки алгоритм сифатни эмас, оммавий реакцияни рағбатлантиради. Энг хавотирли жиҳати шундаки, бугунги томошабин тобора чуқур фикрлашдан узоқлашиб бормоқда. Бир неча дақиқалик видео ичида содда можаро, баланд мусиқа ва ноодатий қаҳрамонлар етарли бўлиб қолмоқда.

Давоми 8-бетда >>>>

Фавқулудда вазият ва хавфсизлик

### "ДОЛЗАРБ 30 КУН": ХУШЁРЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК ОЙЛИГИ

Республикамиз бўйлаб 1 майдан 31 майга қадар "Долзарб 30 кун" ойлиги доирасида фавқулудда вазиятларнинг олдини олишга қаратилган кенг қамровли профилактик тадбирлар ўтказилмоқда.

Ойлик доирасида жойларда профилактик суҳбатлар, учрашувлар ва тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, фуқароларга хавфсизлик қоидалари ҳақида тушунчалар берилмоқда. Хусусан, ўта муҳим ва тоифаланган объектларда масъул ходимлар томонидан ёнғинлар профилактикаси бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Тадбирлар давомида объект ишчи-хизматчиларига ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш, белгиланмаган жойларда очиқ оловдан фойдаланмаслик, тамаки маҳсулотларини чекмаслик, электр ва газ жиҳозларидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш зарурлиги ҳақида эслатмалар берилмоқда.

Корхоналарда эса амалий ўқув машғулоти ташкил этилиб, ёнғин содир бўлган ҳолатларда тўғри ҳаракат қилиш, одамларни эвакуация қилиш ва қутқарув ишларини олиб бориш тартиби ўргатилаяпти. Хусусан, транспорт ташувчилар бошқармасида ўтказилган ёнғин-қутқарув қисми ва ҳамкор ташкилотлар иштирокидаги амалий машғулотда ёнғин ўчириш ва қутқарув анжомларидан фойдаланиш тартиби тушунтирилди.

Бундай тадбирлар инсон ҳаётини асрашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки фавқулудда вазиятларда қутқарувчилар ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, бошқаларга ёрдам беришади. Улар ҳам кимнингдир фарзанди, акаси ёки отаси эканини унутмаслигимиз керак.

Шунингдек, Тошкент вилояти Фавқулудда вазиятлар бошқармаси масъул ходимлари томонидан Ангрэн шаҳридаги ишлаб чиқариш корхоналари, аҳоли гавжум жойлар ва кўп қаватли уйларда ҳам тарғибот тадбирлари олиб борилмоқда.

Хавфсизлик – ҳар бир инсоннинг ҳаёти ва тақдири билан боғлиқ муҳим масала. Шу боис "Долзарб 30 кун" ойлигида барча фуқароларнинг фалол иштирок этиши, хушёр ва огоҳ бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

**С. АНАРБАЕВА,**

Ангрэн кон бошқармаси  
ОФВБ инспектори

Хориж хабарлари

## ПЕКИНДА ХИТОЙ ВА РОССИЯ ЕТАКЧИЛАРИ НИМАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ?



Пекин шаҳридаги Халқ йиғинлари саройида ХХР раҳбари Си Цзиньпин ва РФ президенти Владимир Путин ўртасида олий даражадаги учрашув бўлиб ўтди. Ушбу мулоқотда томонлар ўзаро стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш ҳамда глобал хавфсизлик масалаларини диққат марказига қўйишди.

Давлат раҳбарлари ўз чиқишларида дунё сиёсати "бебошлик ва қонунсизлик" даврига қайтиш хавфи борлигидан огоҳлантириб, ғарб давлатларининг бошқа мамлакатларга ўз иродасини мажбурлаб ўтказишга бўлган уринишлари муваффақиятсизликка учраганини таъкидладилар. Шунингдек, Си Цзиньпин халқаро майдондаги

мураккаб вазиятларга, хусусан, АҚШ-Исроил ва Эрон ўртасидаги зиддиятга тўхталиб, ҳарбий ҳаракатларни зудлик билан тўхтатиш ва музокаралар столига қайтиш ўта муҳимлигини қайд этди.

Сиёсий баёнотлардан ташқари, музокараларнинг энг асосий ва амалий қисми энергетика соҳасидаги ҳамкорликка қаратилди. Ғарб санкциялари тўғрисида Европа бозоридан узилган Россия учун Хитой ҳозирда нефть ва газ сотиш бўйича энг асосий стратегик харидорга айланган.

Гарчи мулоқот доирасида иқтисодиёт, туризм ва таълим соҳаларини қамраб олувчи 40 га яқин келишувлар кўриб чиқилган бўлса-да, Москва учун энг устувор вазифа йўқотилган энергетика даромадларининг ўрнини қоплаш бўлиб қолмоқда. Бироқ кўндан бери қутилаётган ва Россия газ экспортини кескин ошириши кўзда тутилган "Power of Siberia" газ қувури лойиҳаси бўйича яқиний тўхтамага келинмади.

Кремль расмийларининг билдиришича, томонлар қувурнинг ўтиш йўналиши борасида умумий келишувга эришган бўлсалар-да, қурилиш ишларининг аниқ муддатлари ва режалари ҳозирча очиқ қолмоқда.терговга тортилган.

### РАДИО ЭФИРИДА ҚИРОЛ "ВАФОТ ЭТТИРИЛДИ"

Буюк Британиядаги машҳур "Radio Caroline" радиостанцияси техник хато тўғрисидаги қирол Чарльз III вафот этгани ҳақида нотўғри хабар тарқатиб юборди. Ҳодиса эфир тизимидаги компьютер носозлиги сабаб юз берган. Радио раҳбарияти бу ҳолат учун қирол ва тингловчилардан расман ўзр сўради.

Маълум қилинишича, хато орқали Бирлашган Қироллик оммавий ахборот воситаларида фавқулудда ҳолат учун тайёрлаб қўйиладиган махсус "монарх вафоти режими" автоматик ишга тушган. Шу сабаб радиостанция маълум вақт эфирни ҳам тўхтатган. Бу ҳолат ходимларни шубҳага солиб, дастурлар шошилини қайта тикланган.

Ҳодиса содир бўлган пайтда қирол Чарльз III рафиқаси Камилла билан Шимолий Ирландияда расмий тадбирда иштирок этаётган эди. Радио раҳбари Питер Мур станция қирол оиласи билан узоқ йиллик яхши муносабатларга эга эканини таъкидлади. У келажақда ҳам қиролнинг аънавий рождество мурожаатини эфирга узатишдан умидворлигини билдирди.

1964 йилда ташкил этилган "Radio Caroline" бир вақтлар денгиздаги кема-лар орқали эфир узатиши билан машҳур бўлган. Кейинчалик Британия ҳукумати "қароқчи" радиоларга қарши қонун қабул қилганидан сўнг станция фаолияти бир неча бор тўхтаган. Бу радиостанция тарихи ҳатто Голливуд фильми учун ҳам илҳом манбаи бўлган.

ЎЗА материаллари асосида  
тайёрланди

Маънавият ва мерос

# КАЪБА ЭШИГИ ПАРДАСИ ВА РАВЗА ЁПИНЧИГИ

## — ЮРТИМИЗДАГИ НОЁБ КЎРГАЗМАДА

**18 май – Халқаро музейлар куни муносабати билан Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказида Ислон дини тарихи ва муқаддас масканлар билан боғлиқ ноёб артефактларнинг махсус кўргазма-тақдими бўлиб ўтди.**

Тадбирнинг энг муҳим жиҳатларидан бири, Президентимиз топшириғи асосида Лондондан Ўзбекистонга олиб келинган ноёб артефактларнинг журналистлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида махсус тарзда очилгани бўлди.

Давлатимиз раҳбари мазкур ишларни изчил давом эттириш, маданий меросни излаш ва қайтариш бўйича махсус илмий экспедициялар ҳамда фондлар ташкил этиш вазифасини ҳам қўйган эди. Бугун бу топшириқлар амалда ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, ЕХҲТ ва Лондон полицияси ҳамкорлигида ўтказилган махсус рейд давомида маданий бойлиқлар аниқланиб, уларнинг бир қисми Ўзбекистонга қайтарилди. Бу воқеа нафақат мамлакатимиз, балки халқаро маданий меросни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам муҳим воқеа сифатида баҳоланмоқда.

Бугун эса Ислон дини ва муқаддас қадриятларимизга оид яна бир қатор ноёб ёдгорликлар — Кисва парчалари, муқаддас буюмлар ва тарихий ашёлар юртимизга олиб келинди. Қурбон ҳайити арафасида халқимизга тақдим этилаётган бу бебаҳо тўхфалар юрт-



дошларимиз учун катта маънавий аҳамият касб этмоқда. Кўргазмада ислон оламининг энг муқаддас масканлари билан боғлиқ юксак маънавий аҳамиятга эга ёдгорликлар намойиш этилмоқда.

Хусусан, XIX асрга оид муқаддас Каъба эшигининг металл иплар билан тикилган пардаси — “Бурқа” кўргазманинг марказий экспонатларидан бирига айланди. 1880 йил-

га мансуб ушбу ёдгорлик муқаддас Каъба эшигини безаб турган тарихий ёпинчиқ сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, XIX аср охири – XX аср бошларига оид Каъба кисвасининг бир қисми — “Хизом” ҳам жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинди. Кисва муқаддас Каъбани ўраб турувчи мато бўлиб, унинг ҳар бир қисми мусулмон олами учун юксак қадрият сифатида баҳоланади.

Кўргазмада Мадинаи Мунавварадаги Равза мақбараси ёпинчиғи — “Равза” экспонати ҳам намойиш этилди. 1900 йилга оид ушбу артефакт ислон тарихи ва мусулмонлар маънавий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқлиги билан катта қизиқиш уйғотди.

Экспозициянинг яна бир муҳим



қисми сифатида Каъбанинг шимолий қисми томига ўрнатилган зарҳал сув оқизғич — “Мизоб ар-Раҳмон” тақдим этилди. Ушбу ноёб ёдгорлик муқаддас Каъба архитектурасининг муҳим қисми сифатида алоҳида тарихий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Шу билан бирга, “Муҳаммад” ва “Аллоҳ” ёзувлари туширилган бадий паннолар, XVIII аср охирига мансуб “Далоил ал-хайрот” ҳамда “Ал-ҳизб ал-аъзам” асарларидан иборат ноёб дуо китоби ҳам кўргазмадан ўрин олди. 1793–1795 йилларда кўчирилган мазкур қўлёзма китоб ислон хаттотлик санъати ва диний адабиёт тарихининг нодир намунаси сифатида мутахассислар эътиборини тортмоқда.

Ўзбекистон азалдан бой тарих ва юксак маданият макони сифатида дунё эътиборини тортиб келган. Бироқ турли тарихий даврларда юртимизга тегишли кўплаб ноёб артефактлар, қўлёзмалар ва санъат дурдоналари чет элларга олиб чиқиб кетилган.

Халқаро музейлар кунида Ислон цивилизацияси марказида намойиш этилган ушбу ноёб артефактлар шунчаки тарихий экспонат эмас, балки халқимизнинг маънавий бойлиги ва ўзлигини англаш йўлидаги улкан қадамдир. Маданий меросларимизнинг юртимизга қайтарилиши ҳамда ислон оламининг энг муқаддас ёдгорликлари — кисва парчалари ва тарихий қўлёзмаларнинг Ўзбекистонда жамланиши давлатимиз томонидан олиб борилаётган изчил маданий-маърифий ислохотларнинг амалий самарасидир.

**Дилдора ДЎСМАТОВА, ЎЗА**

Ижтимоий тармоқларда

## AI КОНТЕНТЛАР НЕГА ИНСОННИ ФИКРЛАШДАН УЗОҚЛАШТИРМОҚДА?

««« 7 Инсон мияси тез истеъмол қилинадиган контентга ўрганиб, мулоҳаза қилишга эринётгандек гўё.

Бир вақтлар фарб мультфильмлари ёки айрим хорижий анимациялар устидан “менталитетга зид”, “тарбиявий эмас” дея кескин баҳслар бўларди. Аммо ўша танқид қилинган мультфильмларнинг ўзида ҳам маълум бир ғоя, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш, ахлоқий ҳулоса мавжуд эди. Ҳатто сифатсиз деб танқид қилинган баъзи ўзбек мультфильмларида ҳам инсоний қадриятлар тарғиб қилинарди.

Бугунги AI сериалларида эса кўпинча на мазмун, на тарбия, на ғоя мавжуд. Фақат томошабинни ушлаб қолиш учун яратилган сунъий драма бор.

Албатта, интернет эркин майдон. Ким нима кўришни истаса, ўшани томоша қилади. Аммо оммавий аудиторияга мўлжалланган ҳар қандай маҳсулот маълум даражада ижтимоий таъсир кучига эга. Айниқса, ёш авлоднинг онгига кириб бораётган контентлар яратувчилардан масъулият талаб қилади.

Ҳар бир видео катта фалсафий асар бўлиши шарт эмас. Лекин ҳеч бўлмаганда инсонни фикрлашга ундаши, янги қараш бериши ёки ижобий ҳиссиёт уйғотиши керак. Акс ҳолда, сунъий интеллект инсон тафаккурини ривожлантирувчи восита эмас, уни жўнлаштирувчи воситага айланиши мумкин.

Ҳозир медиа оламида энг катта муаммо технологиянинг кучайгани

эмас, инсоннинг танлов мезонлари пасайиб бораётганидир. Чунки талаб бўлмаган жойда сифатли таклиф ҳам яшаб қола олмайди. Сунъий интеллект инсоният тарихидаги энг катта технологик бурилишлардан бири бўлиб қолади. У санъат, кино, анимация ва медиа оламига улкан имкониятлар эшигини очмоқда. Аммо ҳар қандай технология сингари унинг қадри ундан қандай фойдаланилишига боғлиқ.

Агар AI фақат сенсация, жўн драма ва мантиқсиз сюжетлар ишлаб чиқаришга хизмат қилса, бу инсон дидининг таназзулини тезлаштиради. Аммо у мазмунли, тарбиявий ва сифатли контент яратишга йўналтирилса, жамият учун фойдали воситага айланиши мумкин. Шундай экан, бугунги энг муҳим савол технология қанчалик ривожланаётгани эмас, балки инсон ўзи нимани томоша қилишни танлаётганидир.

**Дилдора ДЎСМАТОВА.**

Сўнги кўнғироқ

*Қувончли лаҳза, қатъий тартиб ва хавфсизлик*

**Битирув — мактаб ҳаётидаги энг ҳиссиётли ва масъулиятли босқичлардан бири. Шу муносабат билан Мактабга-ча ва мактаб таълими вазирлиги томонидан 2025–2026-ўқув йили якуни доирасида “Юксак маърифатли авлод — Учинчи Ренессанс пойдевори!” шиори остида “Сўнги кўнғироқ” тадбирлари жорий йил 25-май куни соат 08:00–09:00 оралиғида ўтказилиши белгиланган.**

Тадбирлар давомида ўқувчиларнинг ютуқларини эътироф этиш, намунали ўқувчиларни рағбатлантириш ҳамда ота-оналарни ҳам турли номинациялар (“Энг фаол ота”, “Жонқуяр она”, “Масъулиятли ота-она”) билан тақдирлаш кўзда тутилган. Шунингдек, хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя этиш, тадбирларни мактаб ҳудудида очик майдонларда ташкил этиш ва ўқувчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш каби ҳолатларга йўл қўймаслик тавсия этилади.

Ulug' yo'l

Ижтимоий-иқтисодий,  
маънавий-маърифий газета

МУАССИС:

“Angren ziyo”  
масъулияти чекланган  
жамият

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Исомиддин Ёрматов, Абдурашид Ҳасанов, Икромали Холматов, Бахтиёр Юлдашев, Луқмон Мусулмон, Холхўжа Юнусов, Тўлқин Эшбек, Қутлуғ Тешабоев, Шерзод Тиловбердиев, Ражаббой Багиров, Нигора Шофайзиева

Бош муҳаррир  
Барчиной МИРЗАЛИЕВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

110200. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 38.  
Мурожаат учун телефон:  
0(370)662-25-35, (93)919-21-84.  
E-mail: angrenziyo@umail.uz  
Telegram: https://t.me/Ulug\_yul\_online

Таҳририятга келган қўлёзмалар муаллифга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Газета Тошкент вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2010 йил 7 декабрда 03-069 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи - 7034. ISSN 2181-8142. Бир ойда уч марта чиқади.  
Ⓛ белгиси – тижорат материали

Газета “Angren ziyo” МЧЖ компьютерида терилди ва саҳифаланди.  
“Niso nashriyot va matbaa uyi” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
Босмаҳона манзили: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машъал МФЙ, Марказий кўча, 1 уй.  
Босишга топширилди: 22.05.2026. Қоғоз бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ. Адади 650 нуска. Буюртма -